

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc27.06.2017.К.01.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

РУСТАМОВ МАҲАММАСИДИК КУКАНБАЕВИЧ

**«НИТРОН» ТОЛАСИНИ КАРБАМИД БИЛАН МОДИФИКАЦИЯЛАБ,
СИНТЕЗ ҚИЛИНГАН ЯНГИ АНИОНАЛМАШУВЧИ СОРБЕНТНИНГ
ФИЗИК-КИМЁВИЙ ХОССАЛАРИ**

02.00.04 – Физикавий кимё
02.00.06 – Юқори молекуляр бирикмалар

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа (PhD) доктори диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Рустамов Махаммасидик Куканбаевич

«Нитрон» толасини карбамид билан модификациялаб, синтез қилинган
янги анионалмасувчи сорбентнинг физик-кимёвий хоссалари..3

Рустамов Махаммасидик Куканбаевич

Физико-химические свойства нового анионообменного сорбента,
синтезированного модификацией волокна «Нитрон» карбамидом..21

Rustamov Makhammasidik

Physico-chemical properties of the new anion-changing sorbent synthesized
by modification of fiber «Nitron» by carbomide.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....42

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ Sc27.06.2017.К.01.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

РУСТАМОВ МАҲАММАСИДИК КУКАНБАЕВИЧ

**«НИТРОН» ТОЛАСИНИ КАРБАМИД БИЛАН МОДИФИКАЦИЯЛАБ,
СИНТЕЗ ҚИЛИНГАН ЯНГИ АНИОНАЛМАШУВЧИ СОРБЕНТНИНГ
ФИЗИК-КИМЁВИЙ ХОССАЛАРИ**

02.00.04 – Физикавий кимё
02.00.06 – Юқори молекуляр бирикмалар

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/К53. рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (ik-kimyo.nuu/uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.Ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Бабаев Туйгун Мирзаахмедович
кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Рафиков Адхам Салимович
кимё фанлари доктори профессор

Тробов Хамза Турсунович
кимё фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент кимё-технология институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.К.01.03 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2020 йил «__» _____ соат «__» даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 246-07-88; факс: (+99824) 246-53-21; 246-02-24, e-mail: chem0102@mail.ru).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 246-07-88, 277-12-24; факс: (+99871) 246-53-21; 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация автореферати 2020 йил «__»__ куни тарқатилди.

(2020 йил «__»__ даги__ рақамли реестр баённомаси).

Х.Т. Шарипов

Илмий даражалар берувчи бир марталик
Илмий кенгаш раиси, к.ф.д., профессор,

Д.А. Гафурова

Илмий даражалар берувчи бир марталик
Илмий кенгаш илмий котиби, к.ф.д.

М.Г. Мухамедиев

Илмий даражалар берувчи бир марталик
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси к.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон илмий-техник тараққиётининг жадал суръатлар билан ривожланишида, иқтисодиёт соҳалари, айниқса, саноат ишлаб чиқаришида, экологик муаммоларни ҳал қилишда, хусусан, сув тайёрлашда, технологик эритмалар ва оқова сувлардан қимматбаҳо ва рангли металлларни ажратиб олишда, саноатда зарарли моддалардан газ-ҳаво оқимини тозалашда ионалмашувчи материалларни қўллайдиган замонавий технологиялардан фойдаланишни талаб қилмоқда. Замонавий технологияларни яратишда толасимон селектив сорбентлардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда саноатнинг турли тармоқлари ривожланиб ва кенгайиб боргани сари экология ва гидрометаллургия муаммоларини ечишда ишлатиладиган толасимон сорбентларга бўлган эҳтиёж ҳам ортиб бормоқда. Хусусан, ионалмашувчи ва комплекс ҳосил қилиш хусусиятларига эга бўлган толасимон сорбентлар синтез қилиш юзасидан мақсадли тадқиқотларни амалга ошириш муҳим масалалардан бири бўлиб, жумладан, нитрон толасини баъзи бир олтингугурт ва азот тутган органик реагентлар билан кимёвий модификациялаш усуллари ёрдамида турли маркали кучсиз асос, кучли кислота ва комплекс ҳосил қилиш хусусиятларига эга бўлган ионалмашувчи толасимон сорбентлар яратиш бўйича кўплаб ишлар амалга оширилган.

Мамлакатимизда кимё саноати соҳасини ривожлантириш мақсадида замонавий талабларга жавоб бера оладиган янги турдаги сорбентлар ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур йўналишда амалга оширилган дастурий чора-тадбирлар асосида муайян натижаларга, айниқса, маҳаллий хомашёлар асосида саноат тармоқларини ривожлантириш мақсадида давлатлараро стандартларга жавоб бера оладиган янги турдаги сорбентлар ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси¹да «маҳаллий хомашёларни чуқур қайта ишлашни кўзда тутувчи саноатни янги сифат жиҳатдан юқорига кўтариш» ҳамда «ички ва ташқи бозорларда маҳаллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлайдиган маҳсулотларнинг тубдан янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш» га йўналтирилган муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада маҳаллий хомашё, яъни нитрон толаси асосида янги комплекс хусусиятларга эга бўлган толасимон анионитларни яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони, 2018 йил 25 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-3983-сон, 2018 йил 17 январдаги «Мамлакат

¹ 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси / Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони.

иктисодиёти тармоқларини талаб юқори бўлган маҳсулот ва хомашё турлари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-3479-сон, 2019 йил 3 апрелдаги «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-4265-сон Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялари» устувор йўналишига мувофиқ равишда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тола кўринишидаги полиакрилонитрил (ПАН) дунёда энг кўп ишлаб чиқариладиган, турли соҳаларда кенг миқёсда ишлатиладиган кўп тоннали полимер, шунинг учун илмий адабиётларда кўплаб ишлар унга бағишланган. ПАН толасини модификациялаш, хоссаларини яхшилаш ва унинг ишлатилиш соҳаларини кенгайтириш борасида Е.Н.Зильберман, М.П. Зверев, Л.А. Вольф, В.С.Солдатов, С.А.Симанова, L.S.Wang, С.Е.Carraher, Б.Э.Геллер, Inamuddin Mohammad Luqman. Ўзбек олимларидан К.С.Ахмедов, Н.У.Ризаев, М.А.Асқаров, А.Т.Жалилов, Ў.Н.Мусаев, Т.М.Бабаев, Ш.А.Қурбанов, М.Г. Мухамедиев, Д.А.Гафурова ва бошқа олимларнинг олиб борган илмий изланишлари алоҳида аҳамият касб этади. Улар ПАН толасининг нитрил гуруҳини кимёвий модификациялаш йўналишида олиб борган ўз илмий тадқиқотлари билан ионалмашувчи полимерлар синтези, физик-кимёвий хоссалари ҳамда ишлатилишдаги муаммоларни ҳал қилишга катта ҳисса қўшганлар.

Илмий манбаларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, нитрон толасини карбамид билан модификациялаш асосида бирламчи ва иккиламчи аминогуруҳлар тутган ионалмашувчи толасимон материалларнинг тўқима, нотўқима ёки жгут кўринишидаги, ҳамда полимер таркибига янги элементларни киритиб улар асосида янги турдаги селектив хоссали толасимон сорбент олинмаган ва уларнинг физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ қилиш устида тизимли илмий изланишлар олиб борилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг НТП-9.14. «Маҳаллий хомашёлардан фойдаланиб толасимон ионалмашувчи янги полимерлар яратиш» (2002-2004 йй.); А-6-323 «Умумжамоа ҳимоя воситалари элементларида ва инфекциян муассасалар оқава сувларини зарарсизлантиришда фойдаланиш учун антимиқроб хоссаларга эга синтетик толасимон материаллар олиш технологиясини яратиш» (2006-2008 йй.); х/ш №22/2010/02-1910 юр. «АГМК технологик эритмаларидан ноёб металлларни ионалмашувчи материаллар воситасида

ажратиб олиш технологиясини тадқиқ қилиш» (2010-2011 гг.) мавзуларидаги фундаментал, амалий ва хўжалик шартномалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади нитрон толасини карбамид билан модификациялаб, синтез қилинган янги анионалмашувчи сорбентнинг физик-кимёвий хоссаларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

янги анионалмашувчи толасимон сорбентнинг синтез жараёни кинетикасини таҳлил қилиш ва карбамид билан модификацияланган нитрон толасини олишнинг оптимал шароитларини аниқлаш;

нитрон толасини карбамид билан модификациялаб олинган ионалмашувчи материалларнинг физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ қилиш ҳамда уларнинг морфологияси ва тузилишини аниқлаш;

нитрон толасини карбамид билан модификациялаб олинган толасимон ионалмашувчи сорбентга бихромат ва полийодид ионларининг ютилиш жараёнларининг кинетикаси ва термодинамикасини тадқиқ қилиш;

олинган сорбентга ҳар хил рН ли эритмалардан симоб ионларининг ютилишини статик ҳамда динамик шароитда аниқлаш ва таҳлил қилиш;

яратилган сорбентлардан технологик эритмалар ва оқава сувлардаги металл ионларини ажратиб олиш ҳамда газ ва ҳаво оқимларини симоб буғларидан тозалаш учун фильтр материаллар сифатида фойдаланиш имкониятларини аниқлаш;

карбамид билан модификацияланган нитрон толаси асосида синтез қилинган, таркибида йод тутган сорбентлардан антибактерицид материаллар сифатида фойдаланиш мумкинлигини тадқиқ қилиш.

Тадқиқотнинг объектлари сифатида нитрон толаси, Б маркали карбамид, нитрон толасини карбамид билан модификациялаб олинган ионалмашувчи материаллар ва уларнинг турли хил ноорганик моддалар билан бирикмаларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг предмети полимерни кимёвий модификациялаш, моддаларни иммобиллаш, сорбция ва десорбция жараёнлари кинетикаси ҳамда термодинамикасини аниқлаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларда ИҚ-спектроскопия, рентгенография, потенциометрия, сканирловчи электрон микроскопия, атом-адсорбцияси каби экспериментал усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор нитрон толасини карбамид билан кимёвий модификациялаш усули орқали бирламчи ва иккиламчи аминогуруҳлар тутган толасимон анионалмашувчи материаллар синтез қилинган;

нитрон толаси карбамид билан таъсирлашганда чокланган структуралар ҳосил бўлиши ва полимер структурасида тартибсизланишнинг ортиши аниқланган;

ПАН-КДМ сорбентига бихромат, полийодид ионларининг ютилиши ионалмашуви шунигдек комплекс ҳосил қилиш механизмлари бўйича бориши аниқланган;

полимер структурасига специфик моддалар мақсадли киритилганда олинган сорбентнинг симоб иони ва бугига нисбатан селективлиги ортиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

нитрон толаси ва карбамид асосидаги толасимон ионалмашувчи сорбент синтезининг лаборатория регламенти ва техник шартлари ишлаб чиқилган;

тажриба-саноат қурилмаси яратилиб йириклаштирилган синовлар учун сорбентларнинг турли хил партиялари олинган;

олинган сорбентларнинг физик-кимёвий ва техник кўрсаткичлари тадқиқ қилинган ҳамда уларнинг хром, молибден, симоб ва йод ионларини турли рН муҳитли эритмалардан ютиш қобилиятлари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тажриба натижалари ИҚ-спектроскопия, рентгенография, потенциометрия, электронмикроскопия, атом-адсорбция каби замонавий тадқиқот усулларидан фойдаланиб олинганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ионитлар синтези йўналишида методик ва методологик ёндошувларнинг такомиллаштирилиши ҳамда синтетик толасимон полимерлар асосида олинган, симобга нисбатан селектив сорбентлар, антибактерицид системалар олиниши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, нитрон толаси ва карбамид асосида янги ионалмашувчи полимерлар синтези технологиясини яратиш ва уни тажрибавий ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг тадқиқот натижалари асосида комплекс муҳим хоссаларга эга бўлган маҳаллий ионитларни саноат миқёсида ишлаб чиқариш технологиясини яратишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Карбамид билан модификацияланган нитрон толасининг физик-кимёвий хоссаларини аниқлашнинг илмий натижалари ва ишлатилиш соҳалари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

нитрон толасини карбамид билан модификациялаб, синтез қилинган анионалмашувчи сорбентлар «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖ да амалиётга жорий қилинган («Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖ нинг 2019 йил 12 ноябрдаги АА-8721-сон маълумотномаси). Натижада сульфат кислота ишлаб чиқариш цехи эритмаларидан Мо ни ажратиб олишнинг янги самарали технологиясини яратиш имконини берган;

синтез қилинган янги анионалмашувчи сорбентларнинг ишлаб чиқариш технологияси «МАХАМ-СНІРСНІQ» АЖ да амалиётга жорий этилган («МАХАМ-СНІРСНІQ» АЖ нинг 2019 йил 25 декабрдаги 96-9/100-сон маълумотномаси). Натижада толасимон ионалмашувчи сорбентларни синтез қилишнинг янги технологиясини яратиш имконини берган;

нитрон толасини карбамид билан модификациялаб, синтез қилинган янги анионалмашувчи сорбентдан А-12-53 рақамли «Полимер ташувчиларга имобилланган реагентлар билан атроф-муҳит объектларидан

экоотоксикантларни фотометрик ва сорбцион-фотометрик аниқлаш усулларини ишлаб чиқиш» мавзусидаги амалий лойиҳада нитрогуруҳ тутган органик реагентларни полимер ташувчиси сифатида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 25 декабрдаги 89-04-3114-сон маълумотномаси). Натижада оғир ва захарли металлларни аниқлашнинг сорбцион-фотометрик усулини ишлаб чиқиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 16 та, шу жумладан 4 та халқаро, 12 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 7 та илмий мақола, жумладан 4 та республика, 1 та хорижий журналларда нашр этилган ва 1 та патент олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 115 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган. Ўзбекистон республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ҳамда диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Полиакрилонитрил толаси асосидаги хемосорбцион материаллар, уларнинг хоссалари ва ишлатилиш соҳалари (адабиётлар шарҳи)»** да хориж ва мамлакатимиз илмий журналларидаги амалга оширилган тадқиқотлар натижалари келтирилган. Маълумотлар умумлаштирилган ва илмий хулосалар қилинган ҳамда адабиёт маълумотларини таҳлил қилиш асосида диссертация ишнинг мақсади, вазифалари, долзарблиги ва муҳимлиги аниқланган.

Диссертациянинг **«Нитрон толасини карбамид билан кимёвий ўзгартиришлар йўли билан анионалмашувчи материаллар олиш»** деб номланган иккинчи боби нитрон толасини карбамид билан модификациялаб анионалмашувчи толасимон сорбентлар синтез қилиш жараёнининг кинетик қонуниятларини ўрганишга бағишланган.

Мамлакатимизда сорбентларга юқори талабни ҳисобга олсак, маҳаллий хомашёлар асосида сорбентлар яратиш ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш Республика ҳукуматининг маҳсулотларнинг янги хилларини ишлаб чиқаришни ўзлаштиришни жадаллаштириш бўйича ва бу билан мамлакат йирик корхоналарининг барқарор ривожланишини таъминлаш талабида

кўйилган вазифаларни ечишни таъминлайди. Мамлакатда сорбентларни яратиш бўйича муаммоларни ҳал қилиш ҳукуратимиз томонидан илгари сурилган ишлаб чиқаришни локаллаштириш ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш вазифаларини бажаришда олға кўйилган қадам бўлади.


Анионалмашувчи толалар олишнинг оптимал шароитларини аниқлаш мақсадида нитрон толасини карбамид билан кимёвий модификациялаш жараёнининг кинетик қонуниятлари ўрганилди. Бунинг учун олинган толалар САСининг реакция давомийлиги, ҳарорат, босим ва эритувчи табиатига боғлиқлиги тадқиқ қилинди.

Нитрон толасининг карбамид билан модификациялаш жараёнига ҳарорат ва реакция давомийлигининг таъсири 413 дан 443К гача ҳарорат оралиғида 1-5 соат давомида ўрганилди. Мазкур тадқиқотлар натижалари 1-расмда келтирилган.

Келтирилган 1-расмдан кўришиб турибдики, реакция давомийлигининг ортиши САСи ва тола массасининг ортишига олиб келади. Масалан, 423К ҳароратда реакция давомийлигининг 2 дан 5 соатгача ортиши тола САСининг 1,48 дан 3,09 мг-экв/г гача ортишига олиб келади, шу билан бир қаторда нисбатан юқори ҳароратларда (433-443К) жараённинг ўзгармай қолиши кузатилади: 3 соатдан сўнг маҳсулотнинг САСи деярли ўзгармай қолади.

Полиакрилонитрил толалари ва унинг асосидаги материалларни карбамид билан кимёвий модификациялаш учун карбамиднинг маълум эритувчилари орасида энг юқори даражада қайновчи этиленгликолдан фойдаландик. Нитрон толасини этиленгликол иштирокида карбамид билан кимёвий модификациялаш натижалари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвалдан кўришиб турибдики, карбамид концентрациясининг ортиши билан олинган ионалмашувчи толаларнинг САСи бироз ортади. Демак карбамидга этиленгликолнинг қўшилиши толалар САСининг ва модификация самарасининг ортишига олиб келмайди.



1-расм. Олинган толалар САСининг (0,1 н. НСl) ҳар хил ҳароратларда реакция давомийлигига боғлиқлиги. 1, 2, 3, 4 – реакция ҳарорати мос равишда 413, 423, 433, 443К.

Карбамид эритмаси концентрациясининг нитрон толаси кимёвий модификациясига таъсири (эритувчи-этиленгликоль, P=3 атмосфера)

Харорат, К	Реакция давомийлиги, соат	Карбамид концентрацияси, %	Толанинг дастлабки массаси, г	Модификацияланган тола массаси, г	Ошган масса, %	САС, НСИ бўйича, мг-экв/г
433	5	33,3	0,502	0,666	32,6	2,27
433	5	50,0	0,501	0,674	34,5	2,65
433	5	66,7	0,506	0,580	34,4	2,87
433	5	100,0	0,504	0,590	17,0	3,09
433*	5	50,0	0,503	0,636	26,4	2,66

*Реакция гидросиламин иштирокида олиб борилган.

Шундай қилиб, ПАН толасини кимёвий модификациялашнинг оптимал шароитлари: ҳарорат – 433К, реакция давомийлиги – 3 соат, босим -3 атмосфера, реакцияни карбамид суяқламасида зангламас пўлатдан бўлган автоклавда олиб боришдан иборат.

Олинган анионалмашувчи толасимон материалнинг кимёвий структурасини идентификациялаш учун дастлабки ва карбамид билан модификацияланган ПАН толасини Фурье спектрометрида ИҚ-спектрлари олинди. Модификацияланган ПАН ИҚ-спектрида ионитларнинг алмашинув сифими ортиши билан 2241 см⁻¹ соҳадаги ютилиш чўққиларининг интенсивлиги камаяди. Бунинг сабаби полимердаги нитрил гуруҳлар ҳисобига боровчи полиакрилонитрил ва карбамид орасидаги кимёвий реакциядир, натижада нитрил гуруҳлар миқдори камаяди. ИҚ-спектрда гидратланган сув молекулалари ва NH₂ гуруҳларнинг амидлардаги карбонил гуруҳлар орасида ҳосил бўлувчи водород боғлар ҳисобига янги кенгайган ютилиш чўққилари 3200-3600 см⁻¹ соҳасида ва амид гуруҳлар карбонили деформацион тебранишларига мос келган 1577 см⁻¹ ҳамда -C=NH гуруҳлар деформацион тебранишларини акс этдирувчи 1229 см⁻¹ чўққилар пайдо бўлади.

Маълумки, макромолекулалар тўри параметрларини баҳолаш учун бўкиш жараёни энг «яхши» эритувчида ва мувозанат шароитларида, яъни Δμ=0 да ўрганилади. «Яхши» эритувчи сифатида диметилформамид (ДМФ)дан фойдаландик.

Таъкидлаш лозимки, биз ўрганаётган ПАН-КДМ ионалмашувчи тола СМА-1 толасига қараганда анча тез бўқади. Бу натижалардан келиб чиқадиган хулоса шуки, СМА-1 нинг бўқувчанлиги ПАН-КДМ га қараганда анча кичик.

Ионалмашувчи толалар фазовий тўрининг баъзи характеристикалари

Гель фракция, %	g_{2m}	M_c	$n_c^* \cdot 10^{-3}$, моль/см ³	$V_c \cdot 10^{-4}$ см ³ /моль	v_c , моль/см ³	$N_c \cdot 10^{20}$ (см ³) ⁻¹	n
<i>СМА-1</i>							
94,4	1,0774	640,55	1,79	8,83	558,66	4,69	107,13
<i>ПАН-КДМ</i>							
90,1	1,46	570,8	1,66	12,8	600	10	120

M_c – чокланган полимер фаол занжирининг ўртасанок молекулалар оғирлиги; n_c^* – чокланган полимер ҳажм бирлигидаги фаол занжирлар моль сони, моль/см³; V_c – фаол занжирнинг эффектив моль ҳажми, см³/моль; v_c – намунадаги фаол занжирлар моль сони, моль/см³; N_c – чокланган полимер ҳажм бирлигидаги фаол занжирлар концентрацияси, (см³)⁻¹; n – тўрнинг зичлиги.

Фазовий тўрнинг M_c параметри қуйидаги формула орқали ҳисобланди:

$$M_c = \frac{\rho_2 V_1 \left[(q_{2m} + 1)^{-1} - \frac{1}{2} (q_{2m} + 1)^{-1} \right]}{\ln \left(\frac{1}{q_{2m}} + 1 \right) - (q_{2m} + 1)^{-1} - \chi_1 (q_{2m} + 1)^{-2}}$$


Бу ерда χ - полиакрилонитрил – ДМФ системаси учун Флори-Хаггинс параметри. χ ўрнига нитроннинг диметилформамаиддаги эритмаси келтирилган қовушқоқлигининг эритма концентрациясига боғлиқлик графигидан топилган Хаггинс константаси K дан фойдаландик. K нинг қиймати 0,29 ни ташкил қилди. M_c қийматини топгач чокланиш даражаси, яъни фазовий тўр тугунлари орасидаги бўлақларнинг ўртача сонини ҳисоблаш мумкин.

ПАН-КДМ ва СМА-1 ионалмашувчи толалар фазовий тўрининг баъзи характеристикалари 2-жадвалда келтирилган. 2- жадвалдан кўриниб турибдики, функционал гуруҳлар ўзгариши билан M_c ҳам ўзгаради. Бу ПАН-КДМ дагига қараганда СМА-1 да тўрлар зичлиги анча пастлигидан гувоҳлик беради. Ионалмашувчи толаларнинг полимер тўридаги тугунлар зичлиги ёки M_c нинг молекуляр массаси ПАН-КДМ да 570, СМА-1 да эса 640 ни ташкил қилади. Битта макромолекулага тўғри келган тўрлар зичлиги 120 тугун атрофида, бу дастлабки тола «нитрон» ни эритувчисида ионалмашувчи толалар кам бўкувчанликка эгалиги билан тушунтирилади.

Диссертациянинг учинчи «**Нитрон толасини карбамид билан модификациялаб олинган анионалмашувчи толаларнинг физик-кимёвий хоссалари**» деб номланган бобида полиакрилонитрилни карбамид билан кимёвий модификациялаб олинган полимерларнинг физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш натижалари келтирилган.

Модификациядан кейин ПАН толалари структурасининг ўзгаришларини аниқлаш мақсадида олинган анионалмашувчи толасимон материаллар рентгенструктуравий таҳлил қилинди.

Дастлабки ПАН толалари ва карбамид билан модификацияланган ПАН рентгенограммаларини таққослаш шуни кўрсатдики, модификациядан кейин барча намуналарда полимернинг кристалл структураларига мос чўққиларнинг ёмонлашуви ва полимернинг аморф структураларга кўпроқ мос келувчи чўққилар кенгайишининг ортиши кузатилди, рентген сигналлари интенсивлигининг 5000 бирликдан пастда жойлашиши полимер структурасини амморфлашганлигини билдиради.




2-расм. pH нинг $\lg\alpha/(1 - \alpha)$ га боғлиқлиги. 1,2,3-мос равишда pK_{α} 7,0; 8,5; 9,4.

Модификацияланган ПАН-КДМ толаларининг ионалмашиш ва комплекс ҳосил қилиш каби специфик хоссаларни намоён қилиши сабабини ва ионалмашувчи материалдаги ионоген гуруҳларни характерлаш мақсадида потенциометрик титрлаш тадқиқотлари ўтказилди.

2-расмда келтирилган маълумотлардан кўришиб турибдики, ионит таркибида кучли ҳамда кучсиз асос характерига эга гуруҳлар мавжудлигини тасдиқловчи pK_{α} қиймати 7,1; 8,5; 9,4 га тенг бўлган функционал гуруҳлар бор.

Шундай қилиб, карбамид билан модификацияланган толалар тўрлари параметрларини аниқлаш, ИҚ-спектроскопик, потециявий титрлаш каби тадқиқотлар шуни кўрсатдики, карбамид нитрон толасини нитрил гуруҳлари билан таъсирлашиб қуйидаги тахминий структурали анионалмашувчи толасимон материал ҳосил қилади:




Толасимон ПАН-КДМ сорбентининг кимёвий барқарорлиги турли хил агрессив муҳитларда ва ҳар хил шароитларда ўрганилди. ПАН-КДМ ионалмашувчи толанинг ҳар хил агентлар, жумладан, кучли оксидловчиларга барқарорлигини характерлаш учун синовларнинг қабул қилинган усулларидан фойдаланилди. Тажриба натижалари тадқиқ қилинаётган ПАН-КДМ ионалмашувчи толаси СМА-1 каби турли хил кимёвий реагентлар таъсирига чидамли эканлигини кўрсатди. Шу билан бир қаторда модификацияланган ПАН-КДМ толасини агрессив муҳитларда ишлаганда, худди СМА-1 каби, намуналарнинг САС қиймати сезиларли даражада пасаяди, яъни ионалмашувчи қисман гидролизга учрайди, аммо намуналарнинг толасимон структураси сақланиб қолади. Ўрганилаётган сорбентларнинг кимёвий реагентларга етарли даражада барқарорлиги улар структурасининг чокланганлиги билан боғлиқ.

Диссертациянинг тўртинчи «**Олинган анионалмашувчи материалларнинг сорбциялаш хоссалари ва уларни ишлатилиш соҳалари**» деб номланган бобда олти валентли хром, йод, симоб ионлари ва симоб буғларини сорбциялаш ҳамда полийодид комплексларини олиш ва булардан антибактерицид материаллар сифатида фойдаланиш бўйича олинган натижалар келтирилган.

Маълумки, атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг асосий муаммоларидан бири саноат оқава сувларини ҳамда ичимлик суви манбаларини Zn, Cr, Cu, Hg ва бошқа захарли металл ионларидан тозалаш ҳисобланади. Cr(VI) ионларини сувли эритмалардан, айниқса, нордон эритмалардан сорбциялаш усуллари билан чиқариб ташлаш бирмунча қийин, чунки у сорбентнинг функционал гуруҳларини оксидлайди ва бу унинг парчаланишига олиб келади. Cr₂O₇²⁻ ионларини ПАН-КДМ сорбенти билан сорбциялаш вақт, ҳарорат ва дастлабки эритмадаги Cr₂O₇²⁻ ионларининг концентрациясига боғлиқлиги бўйича ўрганилди.

Тола ва эритма орасидаги сорбцион мувозанат барча ҳолларда 5-10 мин. давомида қарор топади. Ҳарорат ортиши билан жараёнда солиштирма сорбциянинг биров камайиши кузатилади, бунинг сабаби кучсиз боғ орқали сорбцияланган Cr₂O₇²⁻ ионларининг ҳарорат таъсирида чиқиб кетиш эҳтимоллигидир.



3-расм. Ҳар хил ҳароратда бихромат ионларининг ПАН-КДМ ионалмашувчи тола билан сорбцияланиш изотермалари.
1, 2, 3 – сорбциялаш ҳарорати мос равишда 288, 298, 308К.

Бу ҳолатларнинг термодинамик функциялари мувозанат константасининг ҳароратга боғлиқлиги $\Delta G = -RT \ln K$ дан аниқланди: $\Delta G = \Delta H - T\Delta S$ тенгламасидан ΔH ва ΔS қийматлари топилди. Бунинг учун $-R \ln K$ нинг $1/T$ бўйича боғлиқлик графиги чизилиб, тўғри чизиқнинг оғиш бурчаги тангенсидан ΔH ва $\Delta S = (\Delta H - \Delta G)/T$ тенгламасидан ΔS ҳисобланди. Олинган натижалар 3 жадвалда келтирилган.

3-жадвал

$Cr_2O_7^{2-}$ ионларининг ПАН-КДМ толаларига сорбцияланишида термодинамик функцияларнинг ўзгариши

T, K	Γ_{∞} , моль/г	$K \cdot 10^7$	ΔG , Дж/моль	ΔH , Дж/моль	ΔS , Дж/моль
288	1,33	4,16	-19935,36	-44000	-83,55
298	1,25	1,96	-18768,04		-84,88
308	1,17	0,95	-17546,76		-85,61

Система энтальпияси ва энтропиясининг камайиши хром ионларининг ПАН-КДМ сорбентига жуда кучли боғланишидан далолат беради.

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, адсорбциянинг мувозанат константаси қиймати бирдан анча катта. $K \gg 1$ қиймат ПАН-КДМ сорбентининг $Cr_2O_7^{2-}$ ионларини сорбциялаш жараёнининг селективлигидан далолат беради.

Шуниси эътиборга лойиқки, $Cr_2O_7^{2-}$ ионларининг ПАН-КДМ сорбентига сорбцияланиш жараёни системанинг эркин энергияси, энтальпияси ва энтропиясининг камайиши билан боради.

Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, ионалмашувчи материаллардан саноатнинг турли соҳаларида экология муаммоларини ҳал қилишда ва технологик эритмалардан сийрак металлларни ажратиш олишда фойдаланилади. Ионалмашувчи материаллар синтези саноатини кенг локализациялаш учун полиакрилонитрил модификациясида асосий эътибор «МАХАМ-СНРСНІҚ» АЖ да ишлаб чиқариладиган мочевиная қаратилган эди.

Шундай йўл билан олинган анионалмашувчи толасимон материаллар технологик эритмалардан сийрак металлларни ажратиш олишда гидрометаллургияда жуда фойдали бўлиши мумкин. Бу мақсадлар учун синтез қилинган ПАН-КДМ маркали сорбент ва маълум СМА-1, СМА-2 сорбентлардан фойдаландик. Улар бир биридан функционаллиги билан фарқланади, яъни улар ўз таркибида асослилиги билан фарқланувчи функционал гуруҳлар тутади.

Технологик эритмалардан молибденни сорбциялаш статик шароитларда ўрганилди. 4-жадвалда ЦПРМ МПЗ «АГМК» АЖ мииолрртехнологик эритмаларидан молибденни, синтез қилинган

анионалмашувчи материалларга сорбцияланиши бўйича қиёслаш маълумотлари ва физик-кимёвий параметрлари келтирилган.

Жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, олинган сорбентлар HCl ҳамда молибден бўйича жуда юқори алмашинув сифимига эга ва тола, мато ҳамда ватин кўринишида ишлатилади. Яратилган сорбентлар молибденга нисбатан етарли даражада юқори сорбциялаш қобилиятига ва ЦПРМ МПЗ»АГМК» АЖ технологик эритмаларидаги сульфат кислотанинг катта концентрацияларида ҳам молибденни танлаб сорбциялаш хусусиятига эга.

4-жадвал

ЦПРМ МПЗ «АГМК» АЖ (маточный) эритмасидан молибден бўйича анионалмашувчи материалларнинг сорбциялаш ва физик кимёвий хоссалари ($m_{\text{сорб}}=1,00$ г, $T=300\text{K}$, $t=48$ соат, $V=100$ мл, $C_{\text{Mo}}=6,9$ г/л, $C(\text{H}_2\text{SO}_4)=322$ г/л, $\text{pH}=1,0$; аралашмалар миқдори: Cu - 0,232; Re – 0,001; Fe – 0,191; Zn – 0,135г/л)

Сорбент	Сорбент тури	HCl бўйича САС, мг-экв/г	Заррачалар ўлчами, текс	Mo бўйича САС, мг/г
СМА-1	тола	4,50	0,6-1,2	260,4
СМА-2	тола	4,20	0,6-1,2	280,7
В-МДА-6	тола	3,44	0,6-1,2	263,8
ПАН-КДМ	тола	4,42	0,6-1,2	340,1
ПАН-КДМ	тола	3,83	0,6-1,2	273,7
ПАН-КДМ	тола	3,7	0,6-1,2	278,3
ПАН-КДМ	мато	3,60	2 см ли иплар	170,5
ПАН-КДМ	ватин	3,20	2 см ли тола.	190,8

Тадқиқотлар натижасида олинган натижалар синтез қилинган толасимон анионалмашувчи материаллар «АГМК» АЖ нинг технологик эритмаларидан молибденни ажратиб олишда ишлатилиши мумкинлигини аниқланди.

Антимикроб хоссага эга иод тутувчи толасимон материаллардан жарроҳлик, гематологик, дерматологик муассасаларда ҳамда гермоёпик системаларда инсоннинг узоқ изоляцияси шароитларида, йирингли инфекцияга қарши курашишда, шу жумладан, эколого-техник масалаларни ечиш учун, масалан, ичимлик сувини хавфли касалликларни келтириб чиқарувчи микроорганизмлардан зарарсизлантиришда фойдаланиш мумкин

Тадқиқотларнинг кўрсатишича ҳарорат кўтарилиши билан солиштирма сорбциянинг сезиларли ортиши кузатилади, бу сорбцияланувчи ионларнинг ҳаракат тезлиги ортиши билан тушунтирилади. Жараённинг дастлабки босқичларида сорбентнинг йод билан тўйиниши жуда тез боради, сўнгра жараён секинлашади ва тўйиниш эффекти кузатилади. Барча ҳолларда мувозанат вужудга келиши учун 100 минутга яқин вақт керак бўлади. Сорбция жараёнининг тезлиги ҳам йоднинг эритмадаги концентрациясига боғлиқ бўлади. Сорбентнинг йод бўйича сиғими нафақат контакт вақтига, балки сорбентдаги функционал гуруҳлар табиатига ва ҳароратга ҳам боғлиқ бўлади. Йоднинг боғланиш механизми Cl^- ионининг J_3^- ионига алмашиши ҳисобига бўлади.

Ҳар хил ҳароратлардаги мувозанат константалари қийматлари асосида сорбция жараёнининг термодинамик параметрлари қийматлари топилди (5-жадвал).

Шундай қилиб, олинган йод тутувчи полимер материаллар тиббиётда антимиқроб воситалар сифатида ҳамда ичимлик сувини турли хил микроорганизмлардан зарарсизлантиришда ва саноат оқава сувларини оғир металллар ҳамда хавони симоб буғларидан зарарсизлантиришда амалиётда қўллаш учун ишлатилиши мумкин.

5-жадвал

ПАН-КДМ толасига йод ионларининг сорбцияланишида термодинамик функцияларнинг ўзгариши

T, K	Γ_{∞} , моль/г	$K \cdot 10^8$	$\Delta G \cdot 10^4$, Дж/моль	$\Delta H \cdot 10^4$, Дж/моль	ΔS , Дж/моль
288	1,92	1,79	-4,55	-5,57	-35,42
298	2,17	5,13	-4,97		-20,13
308	2,38	8,57	-5,26		-10,06

ПАН-КДМ сорбентларини оқава сувлар ва технологик эритмаларни хром ионларидан тозалаш учун таклиф қилиш мақсадида турли хил рН муҳитли сунъий эритмалардан хром ионларини динамик сорбциялаш техник режими ўрганилди. Олинган натижалар 6-жадвалда келтирилган.

6-жадвалдан кўришиб турибдики, хроми (VI) ионлари бўйича динамик алмашинув сиғим (ДАС) кислотали муҳитда рН=1 да 300 мг/г га етди ва ишкорий муҳитлар рН=10 да 99 мг/л гача тушди. Буни сорбентнинг протонланган ҳолати билан тушунтириш мумкин. Шу билан бир қаторда сорбентни кўп марта ишлатиш учун уни ювиш имкониятлари, ҳамда $Cr_2O_7^{2-}$ ионларининг ПАН-КДМ сорбенти ДАС ига сорбция-десорбция цикллари таъсири ўрганилди. Олинган натижалар 7-жадвалда келтирилган.

7-жадвалдан кўришиб турибдики, ПАН-КДМ сорбентидан $Cr_2O_7^{2-}$ ионларининг аммиакнинг 2% ли сувли эритмаси билан десорбциясида сорбция-десорбция цикли 15 мартага етади. Сорбция-десорбция жараёнининг

15 марталик циклида сорбент ДАС си 25% га ўзгарди ва $\text{Cr}_2\text{O}_7^{-2}$ ионлари бўйича 176-169 мг/г атрофида бўлди.

6-жадвал

Эритма рН нинг $\text{Cr}_2\text{O}_7^{-2}$ ионлари бўйича ПАН-КДМ сорбентлари ДАС ига таъсири

рН	1	3	4	5,8	7	8	10
$\text{Cr}_2\text{O}_7^{-2}$ бўйича ДАС, мг/г	300	240	235	170	163	108	99
Хром бўйича ДАС, мг/г	106	120	117	85	81	52	48

7-жадвал


$\text{Cr}_2\text{O}_7^{-2}$ ионлари сорбциясига ПАН-КДМ регенерация шароитларининг таъсири

ДАС, мг/г	Регенерация-гача	Аммиакнинг 2% ли сувли эритмаси билан регенерациялангандан кейин					
		1,2	3	4-8	9-12	13,14	15
$\text{Cr}_2\text{O}_7^{-2}$ бўйича	350	290	280	270	260	240	230
Cr бўйича	257	213	205	198	191	176	169

Яратилган сорбент хромловчи гальваник цехларнинг оқава сувларини Cr(VI) ионларидан тозалашда ҳамда технологик эритмаларни концентрлашда ишлатилиши мумкин.

Толасимон сорбентлар ёрдамида ҳавони симоб буғидан тозалаш тадқиқотлари Россия Фанлар Академияси Ноорганик кимё институти илмий ходимлари ва «Новосибирск химконцентратлар заводи» (НЗХК) нинг атроф муҳитни муҳофаза қилиш лабораторияси билан ҳамкорликда амалга оширилди. Тадқиқотларда модификацияланган йод тутган полиакрилонитрил толалари, айнан ПАН-ГА ($J_2= 26\%$), ПАН-КДМ ($J_2= 28\%$) ва ПАН-ГГ ($J_2= 19\%$) лардан фойдаланилди.

Барча тажрибаларда сорбентлар билан тўлдирилган колонкаларга келиб тушаётган ҳаво оқимидаги симоб буғлари концентрацияси $4 \pm 0,2$ мг/м³ миқдорида ўзгартирмай олиб борилди. Олинган натижалар 4-расмда келтирилган. Синовлар 200 соатдан сўнг тозалаш самарадорлиги 98,75% ни ташкил қилганлигини кўрсатди. Энг яхши тозалаш натижаларини ПАН-КДМ толаси асосидаги сорбент кўрсатди.



4-расм. Тозалашдан кейинги симобб концентрацияси ўзгаришининг
 фильтрация тезлиги 0,05 м/с даги динамикаси

Мазкур ишда инфекцияли тиббий муассасалар оқава сувлари ва хавосини зарарсизлантириш усулини яратиш ҳамда маҳаллий хомашёлар асосида самарали фильтросорбент маҳсулотлар ишлаб чиқиш устида лаборатория синовлари ўтказилди.

ПАН-КДМ ва ПАН-ГА асосида олинган йод тутувчи антибактерицид материалларнинг микробларни фильтроб тозалаш қобилияти микроблар билан зарарланган хавони «йўтал пластинка»лари усули билан ўрганилиб, микроблар билан зарарланиш аэрозоль кўринишида бўлса, самарадорлик 11 ҳолатда 100% ни, 4 ҳолатда 95,5-96,2% ни ташкил қилади, деган хулосага келинди.

Диссертациянинг «**Полимерларнинг кимёвий ўзгаришларини олиб бориш услублари**» деб номланган бешинчи бобида дастлабки ва ёрдамчи реактивларнинг физик-кимёвий тавсифлари, анионалмашувчи толасимон сорбетни синтез қилиш услуби баён қилинган. Анионалмашувчи толасимон сорбентларни тадқиқ қилишнинг физик-кимёвий усуллари ва шунингдек ҳисоблаш ва олинган натижаларни қайта ишлаш усуллари ёритилган.

ХУЛОСАЛАР

1. Нитрон толасини карбамид билан модификациялаш асосида янги анионалмашувчи, комплекс хоссаларга эга бўлган толасимон сорбент синтез қилинди ва модификациялаш жараёнининг кинетик қонуниятлари асосида сорбент синтез қилишнинг оптимал шароитлари тавсия қилинди.

2. Сорбент рентгенографик ҳамда фаол занжир тўрлари зичлигини аниқлаш усуллари ёрдамида тадқиқ қилинди, тадқиқот натижалари асосида модификацияланган нитрон толасида чокланган структура ҳосил бўлиши ва модификациялаш жараёни давомида аморф структуранинг ортиши билан изоҳланади.

3. Сорбентнинг физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ қилиш ҳамда потенциометрик титрлаш орқали, унинг кимёвий барқарорлиги, таркибида кучли ва кучсиз асосли функционал гуруҳлар мавжуд эканлиги билан асосланади.

4. Бихромат ва полийодид ионларининг ПАН-ҚДМ сорбентига ютилиш жараёнининг термодинамик функцияларини ўзгариш қийматлари аниқланди ва олинган натижалар асосида ютилиш, ионалмашиш ҳамда компонентларнинг комплекс ҳосил қилиш механизмига асосланганлиги билан изоҳланди.

5. ПАН-ҚДМ-Ј сорбентига симоб ионлари ва буғларининг ютилиш жараёни кинетикасини тадқиқ қилиш асосида симоб ионларининг сорбентга ютилиш самараси сорбентдаги йоднинг фоиз миқдориغا боғлиқ эканлиги кўрсатилди.

6. ПАН-ҚДМ-Ј сорбентининг вабо вибрионларига нисбатан антибактерицид хоссаларини тадқиқ қилиш натижасида сорбент инфекцияон касалхоналарнинг оқава ҳамда ичимлик сувини вабо вибрионларидан тозалаш учун юқори самарали восита сифатида тавсия этилди.

7. ПАН-ҚДМ сорбенти Олмалик «ҚМҚ» АЖ технологик эритмаларидан Мо ионларини ажратиб олишга тавсия қилинди.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА
DSc.27.06.2017.K.01.03 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

РУСТАМОВ МАХАММАСИДИК КУКАНБАЕВИЧ

**ФИЗИКО-ХИМИЧЕСКИЕ СВОЙСТВА НОВОГО
АНИОНООБМЕННОГО СОРБЕНТА, СИНТЕЗИРОВАННОГО
МОДИФИКАЦИЕЙ ВОЛОКНА «НИТРОН» КАРБАМИДОМ**

**02.00.04 – Физическая химия
02. 00. 06 – Высокомолекулярные соединения**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2019.4.PhD/К53.

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета www.ik-kimyo.nuuz.uz и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.Ziynet.uz)

Научный руководитель: **Бабаев Туйгун Мирзаахмедович**
доктор химических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Рафиков Адхам Салимович**
доктор химических наук, профессор

Троров Хамза Турсунович
доктор химических наук, доцент

Ведущая организация: Ташкентский химико-технологический институт

Защита диссертации состоится « ____ » _____ 2020 г. в ____ часов на заседании разового Научного совета на основе Научного совета DSc.27.06.2017.K.01.03 при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100174, г.Ташкент, ул. Университетская, 4. Тел.: (+99871) 227-12-24, факс: (+99824) 246-53-21; 246-02-24, e-mail: chem0102@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирован за № ____). Адрес: 100174, г.Ташкент, ул. Университетская, 4. Тел.: (+99871) 246-07-88, 277-12-24; факс: (+99871) 246-53-21; 246-02-24, e-mail: nauka@nuu.uz.

Автореферат диссертации разослан « ____ » _____ 2020 года.
(протокол рассылки № ____ от « ____ » _____ 2020 года).

Х.Т. Шарипов
Председатель разового научного совета
по присуждению учёных степеней,
д.х.н., профессор

Д.А. Гафурова
Ученый секретарь разового
научного совета по присуждению
учёных степеней, д.х.н.

М.Г. Мухамедиев
Председатель разового научного семинара при
научном совете по присуждению учёных
степеней, д.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. При ускоряющемся развитии мирового научно-технического прогресса, отраслей экономики, особенно, промышленного производства, решении экологических проблем требует использование современных технологий с применением, в частности, ионообменных технологий в водоподготовке, извлечении драгоценных и цветных металлов из технологических растворов и сбросных вод, очистка газо-воздушных потоков от вредных веществ в промышленности. Большое значение имеет использование селективных волокнистых сорбентов при создании современных технологий.

В мире с развитием и расширением различных отраслей промышленности потребность к волокнистым сорбентам для решения проблем экологии и гидрометаллургии будет увеличиваться. Особенно, проведение целевых исследований по синтезу ионообменных волокнистых сорбентов, обладающих свойствами ионного обмена и комплексообразования являются одним из важнейших вопросов, в том числе, с помощью метода химической модификации волокна нитрон некоторыми органическими реагентами содержащих серу и азот проводились многочисленные работы по созданию анионообменных волокнистых сорбентов.

В нашей стране с целью развития химической промышленности особое внимание уделяется производству новых типов сорбентов, отвечающих современным требованиям. На основе проведенных нормативных мероприятий в данном направлении достигнуты определенные результаты, особенно, с целью развития отраслей промышленности реализуются масштабные мероприятия по производству новых типов сорбентов на основе местных сырьевых ресурсов отвечающих межгосударственным стандартам. В стратегии² действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан намечены задачи по «подъему промышленности на качественно новый уровень, на базе глубокой переработки местных сырьевых ресурсов», а также определены важнейшие задачи направленные на «освоение выпуска принципиально новых видов продукции, обеспечивающих конкурентоспособность местных товаров на внутреннем и внешнем рынках. В этом отношении особое значение имеет создание волокнистых анионитов новыми комплексными свойствами на основе местного сырья волокна нитрон.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указами Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», УП-3479 от 17 января 2018 года «О мерах по стабильному обеспечению отраслей экономики страны востребованными видами продукции и сырья», Постановлениями Президента Республики Узбекистан от 25 октября 2018 года ПП №3983 «О мерах по

² О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 гг. Указ Президента Республики Узбекистан УП-49-47 от 7 февраля 2017 года.

ускоренному развитию химической промышленности Республики Узбекистан», от 3 апреля 2019 года ПП №4265 «О мерах по дальнейшему реформированию и повышению инвестиционной привлекательности химической промышленности», а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологии в Республике. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями науки и технологии VII. Химическая технология и нанотехнология.

Степень изученности проблемы. Полиакрилонитрил (ПАН) в виде волокна является одним из многотаннажно получаемых в мире и широко применяемых в различных областях полимерных материалов и поэтому в научной литературе имеются много работ посвященных ему. В области модификации ПАН, улучшению свойств и расширению областей его применения необходимо отметить проведенные научные изыскания Зильбермана Е.Н., Зверева М.П., Вольфа Л.А., Солдатова В.С., Симановой С.А., Wang L.S., Carraher C.E., Геллер Б.Э., Inamuddin Mohammad Luqman. Узбекские ученые Ахмедов К.С., Ризаев Н.У., Аскарлов М.А., Жалилов А.Т., Мусаев У.Н., Бабаев Т.М., Курбанов Ш.А., Мухамедиев М.Г., Гафурова Д.А., и другие своими научными исследованиями в области химической модификации нитрильных групп ПАН волокна внесли большой вклад в решение проблем синтеза, физико-химических свойств, а также по их применению.

Анализ научных источников показал, что не было проведено систематическое научное исследование по получению нового вида ионообменного волокнистого материала, в виде тканного, не тканного или жгута, содержащего одновременно первичные и вторичные аминогруппы, путём химической модификации волокна нитрон карбамидом, а также по синтезу селективных сорбентов введением в структуру полимера новых элементов и исследованию их физико-химических свойств

